

**Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент
шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро
судига**

**Тошкент ш., Юнусобод тумани, Пиллачи
кўчаси, 66 уйда яшовчи
Тешаев Темир Болтаевичдан
Тел. _____**

АРИЗА

(суд буйруғини бекор қилиш ҳақида)

Фуқаролик ишлар бўйича Тошкент шаҳар Мирзо улуғбек туманлараро судининг судьяси А.Эшонов томонидан 2014 йил 25 март куни ундирувчи “Тошиссиккуввати” ИЧБнинг менга нисбатан қарздорликни ундириш тўғрисидаги аризаси юзасидан чиқарилган С-2-И-7666 – сонли суд буйруғи билан мендан ундирувчи фойдасига 250 000 сўм ундириш белгиланган.

Мазкур суд буйруғига нисбатан эътирозим мавжуд, чунки мен 2014 йил учун коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаганман, шу боис Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-10 моддаси талабларига асосан суд буйруғини бекор қилишингизни сўрайман.

Илова: тўлов пассаси нусхаси

_____ **Тешаев Т.**
(имзо)